

Мусулмон рақиби билан олимпиада олтинларини баҳам кўрди



10:38 / 03.08.2021 2432

Кўпчилик олимпиадани рақобат руҳи ҳукм сурадиган жой деб ҳисоблайди. Спортчилар ғалаба қозониш учун ҳамма нарсага тайёр бўлади. Баъзида ўзаро ёрдам ва раҳм-шафқат туйғуси ҳар қандай ҳолатда ҳам ғалаба қозонишдан кўра муҳимроқ эканлигини исботлайдиган лаҳзалар ҳукмронлик қилади. Шундай ҳолатлардан бири 1 август якшанба куни содир бўлди. Қатарлик Мутаз Эсса Баршим ва италиялик Жанмарко Тамбери баландликка сакрашда олтин медални бўлишишга қарор қилишди. Узоқ давом этган мусобақа давомида иккала спортчи ҳам дастлабки олтита сакрашни 2,37 метр баландликка (7 фут 8 дюйм) бажаришди.

Ҳакамлар Қатар спортчисига яқинлашиб, ғолибни аниқлаш учун тай-брек ташкил қилишни таклиф қилишганда, у биринчи ўринни Италиядан келган рақиби билан бўлишишни хоҳлаётганини айтди. «Иккита олтин олсак бўладими?» - деди мусулмон спортчи.

«Ғалаба қувончини бўлишиш жуда гўзал. Бу шунчаки сеҳрли эди», дейди Жанмарко Тамбери. Фавқулодда Олимпиадада Баршим ва Тамберининг бир лаҳзаси эътиборни тортди.

Ярим финалда 800 метрга югуриш мусобақасида америкалик югурувчилар Исаяя Жевет ва ботсваналик Найжел Амос пойгада йиқилиб йиқилишди.

Ишларни тартибга солиш ўрнига, улар бир-бирларига ёрдам беришди, қучоқлашишди ва мусобақани биргаликда яқунлашди.



Хуршид Маъруф тайёрлади